

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 241-ҳадис

241 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْمُسْلِمُ أَحْوَى الْمُسْلِمِ؛ لَا يَخُونُهُ وَلَا يَكْذِبُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ، كُلُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ حَرَامٌ: عِرْضُهُ وَمَالُهُ وَدَمُهُ، التَّقْوَى هَاهُنَا، بِحَسَبِ امْرِئٍ مِنَ الشَّرِّ أَنْ يَحْفَرَ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ.  
.[1927]

241. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

**«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга хиёнат қилмайди, уни алдамайди ва ёрдамсиз қўймайди. Ҳар бир мусулмоннинг бошқа бир мусулмон обрўсига, молига, қонига тажовуз қилиши ҳаромдир. Тақво бу ерда (яъни, қалбда). Мусулмон биродарини ҳақир ҳисобламоғи кишининг ёмон шахс эканлигига кифоя қилади»,** дедилар.

*Имом Термизий ривояти.*

**Шарҳ:** Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадисларини қуйидаги оят ҳам қувватлайди:

**“Албатта, мўминлар оға-инидирлар”** (Хужурот сураси, 10-оят).

Мўмин-мўминнинг иниси экан, у биродарига хиёнат қилмаслиги, воқеликдаги ишнинг хилофини хабар бермаслиги, уни ёлғонга чиқармасдан айтган гапни қабул қилиши, ёрдамсиз ташлаб кетмай бошига мусибат тушган вақтда унинг ёнида бўлиб, унга ёрдам бериши лозим.

Ҳадиснинг давомида мусулмоннинг ҳар нарсаси, яъни обрўси, моли, қони бошқа мусулмонга ҳаром экани баён қилинмоқда. Ушбу ҳадисдаги “тақво бу

жойдадир” дейилишига келсак, бундан кейин келадиган имом Муслимдан қилинган ривоятда “қалбларига уч мартаба ишора қилдилар” деган кўшимчаси ҳам келтирилган.

Ҳа, инсоннинг зоҳирига қараб хулоса чиқарилмаслик лозим. Баъзан бир мусулмон иккинчи бир мусулмонга нисбатан ёмон муомала қилади, уни ғийбат қилишга киришади, обрўсини тўқади. Агар ўша кимсага “Нима учун сен мусулмонни пастга уриб ҳақорат қиляпсан?” деб насиҳат қилинса, у: “чунки у иймонсиз, мунофиқ одам”, дейди. Ана шу ғийбатчи кимса у одамни тақвосиз, иймонсиз эканини зоҳирига қараб белгилагани учун унга шундай муомалада бўлмоқда. Ҳолбуки, иймон ва тақво қалбда бўлади. Шундай экан, кишини зоҳирига қараб ҳукм қилинмайди.

Ҳадис охирида очиқ-равшан айтилмоқдаки, бир мусулмон ўз биродарини паст санаса, ўша ҳақир санаган кишининг ўзи ёмон одам эканига далолат қилади.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

